

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 11

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 11 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳақимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Kucharov Jamshid Qulnazarovich

ROSSIYANING PAHTA YETISHTIRISH BORASIDAGI SINOV-TAJRIBALARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR (TURKISTON TO'PLAMI MATERIALLARI ASOSIDA) 11-14

Taʼbaev Amirbek Ashirbaevich

Б.Х.КАРМИШЕВА АСАРЛАРИДА “ИЛК ҚАБИЛАЛАР”ГА ОИД ЭТНОНИМЛАР МАСАЛАСИ 15-23

Ҳамаев Нодирбек Мўминович

ТУРКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШНИНГ РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ ВА УНИНГ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1924) 24-32

Tilavova Shahnoza Salohitdinovna

XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA BUXORO AMIRLIGIDA JADIDLARNING FAOLIYATI 33-36

Қозоқов Тоҳиржон Қодиралиевич

НАМАНГАНДА ҚОЗИЛАР ВА СУДЛАР ТАРИХИ 37-42

Артикбаев Ойбек Салимахамаатович

ЎЗБЕК-ҚОЗОҚ ЭТНОМАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ОИЛАВИЙ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИ (XX АСР ТОШКЕНТ ВОҲАСИ МИСОЛИДА) 43-56

Atavullayeva Shaxlo Musoyevna

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BIRINCHI KONSTITUTSIYASINING YARATILISH TARIXI ... 57-62

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Қўчқаров Файзулло Абдужабборович

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР – АГРАР СОҲАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ 63-70

Shao Junling

ANALYSIS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN'S REGIONAL ECONOMY .. 71-76

Ashirov Nurmurod Qulmatovich

RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN KENG KO'LAMDA FOYDALANISHDA BANK TIZIMINI IMKONIYATLARINI OSHIRISH YO'LLARI 77-82

Togayev Salim Sobirovich

BANK XIZMATLARIGA BO'LGAN ISHONCHNI OSHIRISH YOHUD MIJOZNI JALB QILISHNING SAMARALI YO'LLARI 83-89

Саттаров Ғанижон Озодович

МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ 90-96

<i>Yakubova Samira</i> LEVERAGING PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS: STRATEGIES FOR OPTIMAL INVESTMENT FINANCING	97-102
<i>Abdualiyev Hamidulla Toxirjonovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASASINING INNOVATSIYALARNI BOSHQARISH TIZIMIDAGI LOYIHALARNI BOSHQARISH OFISI	103-109
<i>Egamberdiyeva Salima Rayimovna</i> XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA QISHLOQ XO'JALIGIDA AKTIVLAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH	110-118
<i>Xolmamatov Diyor Haqberdievich</i> SANOAT KORXONALARINING BOZORDAGI MAVQEINI BAHOLASHDA SPACE TAHLIL USULIDAN FOYDALANISH	119-127
<i>Gafurova Dilshoda</i> INNOVATIVE MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION: ASSESSING STRATEGIES AND IMPACTS	128-132
<i>Xomidov Abdugaffor Axmadjonovich</i> TA'LIM SOHASIDA LOYIHALARNI BOSHQARISH	133-139
<i>Raxmonov Mirvoxid Rajabovich</i> NAVOIY VILOYATI ASOSIY KAPITALIGA INVESTITSIYALAR TUZILISHI VA DINAMIKASI TAHLILI	140-149
<i>Boyjigitov Sanjarbek Komiljon o'g'li</i> DON VA DONNI QAYTA ISHLASH KORXONALARIDA MARKETING XIZMATI SAMARADORLIGINI BAHOLASHDA SNW TAHLIL USULINING O'RNI VA UNI QO'LLASH XUSUSIYATLARI	150-159
<i>Aziza Umarova</i> AKSIYALARNI BIRLAMCHI OMMAVIY JOYLASHTIRISH (IPO) AMALIYOTI ORQALI MOLIYAVIY RESURSLARNI SHAKLLANTIRISHNING HORIJ TAJRIBASI	160-167
<i>Абдуллаев Бунёд Ўткирович</i> СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	168-178
<i>Matjonov Bekjon Ravshonbekovich</i> SOME CHARACTERISTICS OF ENSURING FOOD SAFETY IN UZBEKISTAN	179-185
<i>Алиматова Наргис Абдухалиловна</i> КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ-РАҚОБАТБАРДОШЛИК ОМИЛИ.....	186-197

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Kobulniyazova Gulchexra Toshpulatovna</i> F. NITSSHE “HAYOT FALSAFASI” KONSEPSIYASI IJTIMOY RIVOJLANISHNING IRRATSIONAL ASOSI	198-204
<i>Qaxorov Pulotjon Xursanmurodovich</i> INSON MOHIYATI, UNING BIOLOGIK VA IJTIMOY TABIATI	205-211
<i>Турсунов Лочин Эркинович, Хакимова Дилноза Юсуфхоновна</i> РАЗВИТИЕ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ У ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ	212-218
<i>Urinboyev Dilmurod Tura o'g'li</i> HUQUQIY FAOLLIK VA HUQUQIY MADANIYATNI RIVOJLANTIRISH MUOMMOLARI.....	219-225
<i>Яздонов Зикирилло Шукуруллоевич</i> АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ СЎФИЁНА ҚАРАШЛАРИ ВА МАЛОМАТИЙЛИККА МУНОСАБАТИ	226-231
<i>Nabiyev Maxsud Abdumannonovich</i> IQTISODIY MADANIYATNING MAZMUNIVAMOHIYATI	232-238
<i>Haydaraliyev Shuhratjon</i> MARKAZIY OSIYODA MILLATLARARO MUNOSABATLARNING MILLIY VA MINTAQAVIY XUSUSIYATLARI	239-243
<i>Хамраев Сардорбек Шарафутдинович</i> ЭКОТУРИЗМ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ..	244-250
<i>Xashimov Sheraxon Jo'raxonovich</i> O'ZBEKISTONNING XALQARO IMIDJINI YUKSALTIRISHDA MILLIY TURIZMDAGI EKOLOGIK TURIZMNING TUTGAN O'RNI	251-260
<i>Хатамова Рашида Закиржановна</i> ПАТРИОТИЗМ КАК ЭЛЕМЕНТ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ	261-266
<i>Патиев Холдор Икромович</i> ЖАДИДЧИЛИК ҚАРАШЛАРИ НЕГИЗИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ЖАМИЯТДА РИВОЖЛАНИШИ	267-275
<i>Ismoilova Hayitxon Maxammadjonovna</i> FARG'ONA VODIYSIDA OILA URF-ODATLARI VA QADRIYATLARINING TRANSFORMATSIYASI VA UNING IJTIMOY JARAYONLARDA NAMOYON BO'LISH XUSUSIYATLARI	276-280
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i> GLOBALLASHUV VA OILA AXLOQIY MADANIYATINING O'ZARO ALOQADORLIGI	281-287
<i>Raxmankulov Farhod Raximkulovich</i> MULKDORLAR QATLAMIDA IJTIMOY MAS'ULIYAT TUYG'USINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI	288-292
<i>Shirinov Anvar Qanoatovich</i> MARKAZIY OSIYODA INSON TARAQQIYOTINING DOLZARB MASALALARI	293-299

Xandamova Marifat Akramovna
 “OSOR AL-BOQIYA” – ABU RAYHON BERUNIY ILMIIY IJODINING DURDONASI.....300-304

Teshaboev Muhiddin Marifovich
 IJTIMOIIY DAVLATDA IJTIMOIIY ADOLATNI TA’MINLASH VA IJTIMOIIY INSTITUTLARNING
 MAQSADI305-311

Karimov Rahmat Rahmonovich, Bekbayev Rauf Rustamovich
 MADANIY ANTROPOLOGIYA FANINING PREDMETI VA IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLAR
 TIZIMIDAGI O’RNI312-320

Talapov Baxriddin Alijanovich
 DEMOKRATIYA VA SHARQONA BOSHQARISHNING ETNODIFFERENSIAL
 XUSUSIYATLARI321-326

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Ayuzmuratova Nurjamal Dastembayeva
 КАРАКАЛПАКСКИЕ ЖЕНСКИЕ ЛИЧНЫЕ ИМЕНА.....327-332

Olga Filippova
 ADDING REDUNDANCY FUNCTIONS TO CLUSTERED IMPLEMENTATION333-345

Egamnazarova Zaynab Xolmurod qizi
 INGLIZ TILIDAGI RIELTORLIK FAOLIYATIGA OID TERMINLARNING O’ZBEK TILI O’ZLASHISH
 MASALALARI346-351

Narzieva Gulnoza Akbarovna
 LEKSIK BIRLIKLARDA MILLIY – MADANIY KOD IFODASI352-357

Qodirova Mukaddas Tog’ayevna, Ibragimova So’g’diyona Ikrom qizi
 INGLIZ-O’ZBEK TILLARIDA VERBAL VA NOVERBAL MULOQOT TABULARINING
 QO’LLANILISHI358-362

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Tўраев Сардор Абдихаким ўғли
 ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ
 ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ УМУМИЙ ЧОРАЛАРИ363-371

Атаев Шокир Куранбаевич
 ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ
 АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ372-377

Юсупов Илхомжон Ибодиллаевич
 ҲУҚУҚИЙ АНИҚЛИК ПРИНЦИПИНING АЙРИМ НАЗАРИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ
 ХУСУСИДА378-385

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Adizova Nigora Baxtiyorovna
 MUAMMOLI TA’LIM ASOSIDA BOSHLANG’ICH SINIF O’QUVCHILARINING DIVERGENT
 TAFAKKURINI TARBIYALASH VA RIVOJLANTIRISH386-390

<i>Tkacheva Anastasiya Aleksandrovna</i> O'ZBEKISTON OLIY O'QUV YURLARI TALABALARINING IJTIMOYIY-MADANIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH UCHUN ISPAN TILINI O'QITISHDA VIRTUAL REALLIKDAN FOYDALANISH	391-400
<i>Uralova Muxabbat Sanjar qizi</i> BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHISINING IJODIY-METODIK FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH.....	401-406
<i>Kenjabaev Jahongir Abdusalimovich</i> METHODOLOGY FOR TEACHING ENGLISH BASED ON INTERNET RESOURCES	407-411
<i>Abdusamatov Alisher Sobirovich</i> TA'LIMNI LOYIHALASHTIRISH JARAYONIGA SEMIOTIK YONDASHUV	412-417
<i>Ibragimova Ehtiyotxon Ismailovna, Sobirova Nargiza Numonjonovna</i> TA'LIMDA NOVERBAL VOSITALARNING O'RNI	418-422
<i>Babayeva Maxfuza Abduvaitovna</i> TA'LIMDA FANLARARO BOG'LANISHNING AHAMIYATI	423-429
<i>Nazarova Zarrina Allaberdiyevna</i> MAKTAB O'QITUVCHILARINING KREATIV SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH USULLARI.....	430-435
<i>Jumayeva Gulnora Tursunpulatovna</i> O'QITUVCHILARINING KASBIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHNING SHART- SHAROITLARI	436-442
<i>Умаров Азиз Авазович</i> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АУДИОВИЗУАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА	443-447
<i>Ahmadjonova Odina Anvarjon qizi</i> INGLIZ TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNING KOMMUNIKATIV NUTQIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI(STEAM TA'LIM TEXNOLOGIYASI MISOLIDA).....	448-453
<i>Otamurodova Shamsu Qamar Otamurodovna</i> DIVERSIFIKATSIYA TAMOYILI ASOSIDA TALABALARNING KREATIVLIGINI YUZAGA CHIQRISH METODIKASI	454-461
<i>Komilov Nodirbek Bokijonovich</i> THE IMPORTANCE OF THE HISTORY OF MEDICINE IN INCREASING THE EXCLUSIVE COMPETENCE OF FOREIGN STUDENTS	462-466
<i>Sapieva Nargiza Mamayusufovna</i> IQTIDORLI O'QUVCHILARNING KREATIV FIKRLASH KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNI IJTIMOIY-PEDAGOGIK QO'LLAB-QUVVATLASH	467-478
<i>Norqobilova Rayxona Davlatovna</i> XORIJIY FANLARDAN BOLALARNING MAKTABGA TAYYORGARLIGINING DIAGNOSTIKASI	479-484

<i>Mamatkodirov Maxammadali Mamatisakovich</i> SINFDAN TASHQARI MASHG'ULOTLAR UCHUN RAQAMLI VOSITALAR VA PLATFORMALARNI HAMDA O'QITISH USULLARINI TANLASH	485-492
<i>Irgasheva Umida Raimjanovna</i> TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI STEAM TEXNOLOGIYASI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH	493-498
<i>Turayeva Lolaxon Yuldashevna</i> ERKIN MEXANIK TEBRANISHLARNI MAPLE DASTURIY VOSITASI YORDAMIDA O'RGANISH VA NAMOYISH ETISH	499-505
<i>Kushakova Gulnora Egamkulovna</i> TALABA YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	506-510
<i>Kenjabayeva Dilafruz Abdisalimovna</i> OLIY O'QUV YURTI SHAROITIDA ZAMONAVIY O'QITUVCHINI TAYYORLASHNING DEONTOLOGIK KOMPONENTI	511-518
<i>Xasanova Gulnoza Raxatjanovna</i> KREDIT-MODULLI TA'LIM TIZIMI JARAYONIDA OLIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARINING MUSTAQIL ISHLARINI TASHKIL ETISH MUAMMOLARI	519-525

12.00.00- Юридик фанлар

Атаев Шокир Куранбаевич

Урганч давлат университети Бош юрисконсулти

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақола тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни либераллаштиришнинг давом этаётган тенденциясини ўрганади. У бюрократик қоғозбозликни камайтириш ва корхоналарнинг автономияларини оширишга қаратилган сиёсатнинг оқибатларини ўрганади. Мақолада сўнги пайтларда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг ишбилармонлик муҳитига таъсирини ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали меъёрий-ҳуқуқий базани янада эркинлаштириш билан боғлиқ имкониятлар ва муаммолар ҳақида қимматли тушунчалар берилган.

Калит сўзлар: бизнесни тартибга солиш, қонунчилик базаси, маъмурий тартибга солиш, либераллаштириш, тартибга солиш ислоҳоти, бюрократик қоғозбозлик, иқтисодий эркинлик, тадбиркорлик, тартибга солишнинг автономияси, сиёсат таъсири, бизнес муҳити, тартибга солишни тартибга солиш, меъёрий-ҳуқуқий база, тартибга солиш сиёсати, тартибга солиш ислохотларининг таъсири.

Ataev Shakir Kuranbaevich

Chief Legal Consultant of Urganch State University

FURTHER LIBERALIZATION OF THE FUNDAMENTALS OF ADMINISTRATIVE-LEGAL REGULATION OF BUSINESS ACTIVITY

Abstract. This article explores the ongoing trend of liberalization in administrative and legal regulations governing business activities. It examines the implications of policies aimed at reducing bureaucratic red tape and increasing the autonomy of businesses. Through a comprehensive analysis of recent reforms and their impact on the business environment, the article provides valuable insights into the opportunities and challenges associated with further liberalization in the regulatory framework.

Keywords: business regulation, legal framework, administrative regulation, liberalization, regulatory reform, bureaucratic red tape, economic freedom, entrepreneurship, regulatory autonomy, policy impact, business environment, deregulation, regulatory framework, regulatory policies, regulatory reform impact

Атаев Шакир Куранбаевич

Главный юрисконсульт Ургенчского государственного университета

ДАЛЬНЕЙШАЯ ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ ОСНОВ АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация. В данной статье исследуется продолжающаяся тенденция либерализации административно-правового регулирования предпринимательской деятельности. В нем

рассматриваются последствия политики, направленной на сокращение бюрократической волокиты и повышение автономии бизнеса. Благодаря всестороннему анализу недавних реформ и их влияния на деловую среду, статья дает ценную информацию о возможностях и проблемах, связанных с дальнейшей либерализацией нормативной базы.

Ключевые слова: регулирование бизнеса, правовая база, административное регулирование, либерализация, реформа регулирования, бюрократическая волокита, экономическая свобода, предпринимательство, автономия регулирования, влияние политики, деловая среда, дерегулирование, нормативная база, политика регулирования, влияние реформы регулирования.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I11Y2023N50>

Кириш. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни либераллаштириш давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ф.А. Примов шундай таъкидлайди: «Ўтган йиллар мобайнида демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг хусусий ва оммавий- ҳуқуқий нормалари мувозанатида сезиларли даражада ўзгаришлар бўлди. Бироқ, тадбиркорлик соҳасида ҳалигача кўплаб маъмурий тартиб-таомиллар мавжудлиги натижасида тадбиркорлик субъектлари ўзларининг бир қатор асосий ҳуқуқларини амалга оширишларида маъмурий тўсиқлар ва мураккабликларга дуч келмоқдалар» [2, 21].

Асосий қисм. Дарҳақиқат ўтган беш йил мобайнида иқтисодиётни, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш борасида туб ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири – иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш бўйича жуда муҳим чоралар амалга оширилди [1].

Таҳлиллар ва ўрганишлар тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қанчалик кўп бўлса уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузиш ҳоллари ҳам шунчалик кўп бўлиши тўғрисидаги хулосага етакламоқда.

Муҳокама ва натижалар: Статистик маълумотларга кўра 2021 йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар мурожаати асосида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун **1 312 та** таъсир чора қўллаганган. **900 нафарга яқин** давлат органи ходимини маъмурий жавобгарликка тортилган. Шу билан бирга, **225 нафар** мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, **467 та** давлат органлари қарорлари ноқонуний деб топилган. Судларга тадбиркорлар манфаати йўлида 19 миллиард сўмлик даъво аризалари киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига биргина жорий йилнинг олти ойида **40 636 та** мурожаат келиб тушган. Мазкур мурожаатларнинг **23 715 таси** (59,6 фоизи) шаҳар, туман миқёсида, **13 206 таси** вилоят даражасида, **2 857 таси** республика даражасида кўриб чиқилган.

Бош вазир қабулхоналари орқали шу йилнинг биринчи ярмида **547 нафар** масъулга нисбатан тегишли чора-тадбир кўрилди. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **105 нафар**, банк муассасаларининг **325 нафар**, ташкилот ва идораларнинг **117 нафарига** чоралар кўрилган. Шундан, **359 нафарига** ҳайфсан берилган, **106 нафарига** жарима интизомий чораси қўлланилган, **64 нафари** лавозимидан озод этилган, **18 нафар** масъул мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган [3].

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсман) девонининг 2021 йил 1-ярим йиллик давомида давомидаги фаолияти юзасидан қуйидаги рақамли маълумотлар ҳам эътиборга молик.

Хусусан бизнес-омбудсманга жами **4 318 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан **3 597 таси** кўриб чиқилган (**1 801 таси (50 фоизи)** ижобий ҳал этилган; **1 796 тасига** ҳуқуқий тушунтириш берилган).

Мурожаатларнинг **23 фоизи (991 та)** банк-кредит масалаларига оид, **19 фоизи (807 та)** ер, кадастр ва бино-иншоот масалаларига оид, **11,5 фоизи (498 та)** солиқ масалаларига оид, **8 фоизи (345 та)** рухсатнома ва лицензия олишга оид, **7 фоизи (294 та)** суд қарорлари ва уларнинг ижросига оид.

Мурожаатлар асосида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузишга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича **1 264 та** таъсир чораси қўлланилган (**112 та** даъво ариза, шикоят, **150 та** тақдимнома, **55 та** огоҳнома, **60 та** хулоса, **887 та** маъмурий баённома).

Қўлланилган таъсир чоралар натижасида **621 нафар** мансабдор шахс маъмурий ва **225 нафар** шахс интизомий жавобгарликка тортилган, давлат органларининг **467 та** ноқонуний қарори (ҳужжати) бекор қилинган.

Судларга киритилган **18,6 млрд** сўмлик даъво аризадан бугунги кунгача **4,1 млрд** сўмлиги тадбиркорлар фойдасига ҳал этилган, шунингдек **21 та** ноқонуний қарор (ҳужжат) ҳақиқий эмас деб топилган [3].

Прокуратура органлари томонидан 2019 йил давомида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, уларнинг фаолиятига асоссиз аралаштириш, ноқонуний текшириш ўтказиш ҳамда мурожаатларини кўриб чиқишдаги қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш борасида ўтказилган назорат тадбирларида: **516 нафар** мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, **344 та** жиноят иши қўзғатилган, **4 163 нафар** тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Прокурорлар томонидан **15 961 та** тадбиркорларнинг фаолиятини юритишда, шу жумладан **3 126 тасига** **373,7 млрд.** сўм кредит, **545 тасига** **6.9 минг** гектар ер майдони, **253 тасига** бино ажратилишида, **649 тасига** лицензия ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштирилишида, **2425 тасига** муҳандислик тармоқларига уланилишида ҳамда **8966 тасига** бошқа ҳолатларда амалий ёрдам кўрсатилган.

Ҳамкорликда кўрилган чоралар натижасида **10 826** та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди.

Кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Бунинг асосий сабаби тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишининг юқори эканлиги ҳисобланади.

Иқтисодиётни, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг дунё давлатларида турли моделлари мавжуд.

Хусусан, Германия Федератив Республикасининг “Ижтимоий бозор хўжалиги” моделига кўра унинг марказида тадбиркорнинг шахсий ташаббуси ва эркин рақобат турар эди. Моделга кўра, давлатнинг асосий вазифаси хусусий хўжалик субъектларининг фаолият юритиш шаклини белгилаб бериш ва уларга қанчалик амал қилинаётганлиги устидан назоратни таъминлашдан иборат эди.

“Америка модели” иқтисодий эркинлигини максимал даражада таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини фаоллаштириш, сиёсий партиялар рақобатини ривожлантиришга асосланган. Шу билан бирга “Америка модели”нинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, унга кўра иқтисодиёт (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш)да мавжуд хавф амалда юз бермагунча у йўқ деб ҳисобланади. Бу эса тегишли иқтисодий фаолиятни

“Франция ва Япония модели” мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда давлатнинг ролини ошириш, давлат корхоналари сонининг кўплиги, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, миллий менталитетнинг юксаклигига асосланган.

“Корея модели” импорт товарларни мамлакат ичкарасида ишлаб чиқариш ва кейинчалик экспортга чиқаришни ташкил этиш, сиёсий кучлар мувозанатини таъминлаш, қонун устуворлиги тамойилининг мустақамланишига асосланган.

“Хитой модели” ижтимоий мулкка асосланган иқтисодий тизимни хусусий мулк билан уйғунлаштириш натижасида юқори даражада тараққиётга эришиш, фуқароларнинг ватанпарварлиги ва меҳнатсеварлигига асосланган.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг маъмурий аралашувини камайтириш унинг ривожланиши ва тараққий этишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, “Amazon”, “Google”, “Facebook”, “Apple” ва бошқаларнинг фаолиятига оддий ертўла, гараж ёки университет ётоқхоналарида асос солинган. Уларнинг муваффақияти фақатгина эркин бозор шароитидагина юзага келган. Давлатга ҳеч қанақа алоқаси бўлмаган ёки давлат томонидан тартибга солинмаган ушбу компаниялар бугун глобал компанияларга айланиб, миллионлаб кишиларни иш жойи билан таъминламоқда[4].

Doing Business рейтингини ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини тубдан либераллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

**Doing Business рейтингда 2006 – 2020 йилларда
Ўзбекистоннинг рейтинги:**

2020	2019	2018	2017	2016	2015	2014	2013	2012	2011	2010	2009	2008	2007
69	76	74	87	87	141	146	154	166	150	150	138	138	147

2016 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг рейтинги сезиларли даражада кўтарилган аммо бу борада ҳозиргача эришган яхши натижа (2020 йил учун 190 та мамлакат ичида 69-ўрин) ҳам иқтисодиётнинг либерал эканлигини англамайди.

Шундай қилиб, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий асосларини либераллаштириш концептуал даражада бўлиши керак. Бунда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг барча соҳаларини янада либераллаштириш борасида яхлит миллий дастур (Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш миллий дастури) қабул қилиниши лозим (миллий дастур структураси диссертация 2-иловасида берилган).

Тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш ҳақида сўз юритганда мазкур фаолиятга давлатнинг аралашувини камайтириш тушунилади. Бунда ҳатто давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича аралашувини ҳам тушуниш жоиз. Давлатнинг қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятига макроиқтисодий даражада аралашуви фақат бозор иқтисодиётига ўтиш ёки инқироздан чиқиш даврида бўлиши лозим. Шу сабабли ҳозирги шароитда давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш сиёсати маҳаллий даражада бўлиши керак. Бошқача айтганда ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб тадбиркорлик фаолиятининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қўллаб-қувватланиш бўйича масъулиятини ошириш керак (Бу борадаги қонун лойиҳаси ишнинг 1-иловасида берилган). Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг янада кенгайиши ва мустақамланишига хизмат қилади. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Зеро, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳаллий имкониятларини ҳаракатга келтириш мумкин (Бу борадаги қонун лойиҳаси ишнинг 1-иловасида берилган).

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини қуйидаги йўналишлар бўйича янада либераллаштириш лозим:

давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича;

хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш бўйича;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари бўйича; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш бўйича;

солиқ ва банк имтиёзларини мақбуллаштириш бўйича.

Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича. Маълумки, давлат томонидан алоҳида соҳаларни ортиқча тартибга солиш ҳолатлари ҳанузгача мавжудлиги хусусий секторнинг давлат функцияларини амалга оширишдаги иштироки даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, давлат функцияларини хусусий секторга бериш имкониятини ўрганишга ҳамда мазкур йўналишда тегишли шарт-шароитларни яратишга кўмаклашувчи тизимнинг мавжуд эмаслиги давлат органлари томонидан ушбу масалаларга эътибор қаратилмаётганлигига олиб келмоқда[5].

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича турли моделларни келтирган эдик. Бизнинг назаримизда мамлакатимизда Германия Федератив Республикасининг “Ижтимоий бозор хўжалиги” моделини жорий этиш лозим. Бунда давлат асосий ўйин қоидаларини белгилаш ва уларга амал қилишни назорат қилиш билангина чекланади ва бошқа ҳолларда эса тадбиркорлик фаолияти иқтисодий қонуниятлар асосида тартибга солиниши лозим.

Бинобарин, иқтисодиёт, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти иқтисодий қонуниятлар билан тартибга солиниши лозим ва энг зарур ҳоллардаги давлат турли воситалар, шу жумладан маъмурий-ҳуқуқий ричаглар орқали мазкур фаолиятни тартибга солиши керак.

Adabiyotlar/Literatura/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сонли Фармони // // <https://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. Примов Ф.А. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш: Юрид. фан. док (PhD). ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 77.
3. 2021 йилнинг олти ойида қанча мансабдор шахсга тегишли чоралар кўрилгани маълум қилинди // <https://daryo.uz/k/2021/07/31/biznes-ombudsman-va-bosh-vazir-qabulxonasi-2021-yilning-otgan-davrida-qancha-mansabdor-shaxsga-tegishli-choralar-korgani-malum-boldi/>.
4. Бизнес-омбудсман девонининг 2021 йил 1-ярим йиллик давомида давомидаги фаолияти юзасидан маълумот // <https://biznesvakil.uz/uz/news/188>.
5. “Ўзбекистон – Америка бизнес-форуми”. Тошкент, 2018 йил 23 октябрь. <http://xs.uz/uzkr/post/category/>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4913-сон қарори // <https://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 11 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).